Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 98 (20. 965) 1991 йил 24 май, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Жумҳуриятимизда

СССР БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари **А. АБДУБАННОПОВ, Р. ЕШИМБЕТОВ, А. ҚОРЖОВОВ** ва **ЎзТАГ** хабар қилади

Бугун Ўзбекистонимиз ижтимоий-сиёсий вазиятини белгилайдиган асосий нарса шундан иборатки, жумҳурият иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эришиш учун ҳаракат ҳар қачонгидан кўра равшанроқ кўзга ташланмоқда. Биз тўла мустақиллик, тўла давлат суверенитети тарафдоримиз. Шунингдек, республика раҳбарияти халқимизнинг хоҳиш-иродасини тобора яққол ифода қилаётганлиги диққатга сазовордир.

Лекин ўзбек халқи марказнинг кўзга кўринмас занжирларини узил-кесил олиб ташлашни истаётган бир пайтда у Иттифоқ билан, қардош республикалар билан вужудга келган ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларидан, адолатли шериклиқдан воз кечмоқчи эмас. Буни яқинда ўтказилган СССР референдуми натижалари ҳам яққол кўрсатди. Бироқ Иттифоқ раҳбарияти республикалар Мустақиллик баёнотларини тан олишга, меҳнаткашлар яратаётган моддий бойлик асосларидан муносиб баҳраманд бўлишларини таъминлашга шошилмаётганлиги кишини ажаблантиради.

Ўзбекистон халқи оғир кунда одамлар бир-бирларига маънавий ва моддий жиҳатдан мадад беришининг аҳамиятини яхши тушунади. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинидаги Жигаристон қишлоғида шу йил 4 май куни рўй берган табиий офат — кўчкидан одамлар нобуд бўлганлиги барча дўстларимизни ташвишлантирди. Вилоятларимиз шаҳар ва районлари, қўшни жумҳуриятлар офат оқибатларини тугатиш учун дарҳол ёрдам қўлини чўзишди. Аммо орадан қанча кунлар ўтиб кетибди қамки, биз марказдан ҳамдардлик телеграммасидан бўлак бирон нарса келганлигини эшитмадик. Иттифоқ Бош вазири В. С. Павлов республикамизга келишидан фойдаланиб юқорида айтилган масалаларга оид саволларга жавоб олмоқни ният қилган эдик. Таассуфки, 22 май кечқурун Тошкент тайёрагоҳида Бош вазирни кутиб олиш чоғида журналистлар учун ғоят қисқа вақт ажратилди. У Ўзбекистонга олдин ҳам келганлиги, шу республика коммунистлари томонидан партия анжуманларига делегат этиб сайланганлиги ҳақида гапириб берди. Жумҳуриятга бу галги сафаридан мақсад шу кунинг долзарб вазифалари билан, хусусан, бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бундай муаммолардан энг мураккаби бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида жумҳуриятлар шароитининг бир хил эмаслигидир.

Ўн йиллар давомида ҳар бир жумҳурият мамлакат иқтисодиётининг умумий вазифаларидан келиб чиқиб, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга, у ёки бу хом ашёни етказиб беришга ихтисослаштирилди. Бу аҳвол аҳоли турмушининг турли даражада бўлишига, турли минтақаларда яшовчи кишиларга нисбатан ижтимоий адолатсизликка олиб келди. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида бир қанча жумҳуриятларда бу муаммолар кескин тус олди. Уларни ҳал қилиш учун ҳозир жумҳуриятларда юз бераётган аҳволни диққат билан ўрганиб, аниқ равшан ёндошмоқ керак. Ўзбекистонда юз берган табиий офат менинг бу ерга сафаримни тезлаштирди. Ўзбек халқига нима билан қандай ёрдам бериш, шу қийин пайтда унга қандай мадад беришни шу жойнинг ўзида аниқлаш лозим.

Бош вазир, жумладан «Совет Ўзбекистони» мухбири саволига ҳам жавоб қайтарди.

— Валентин Сергеевич, Жигаристондаги офатдан сўнг 18 кун ўтди. Иттифоқ марказий ҳукумати таъзия билдиришдан бошқа бирон ёрдам беришни ўйламоқдами?

— Бу масала кўриб чиқилди. Яқин вақтда ҳукумат қарори эълон қилинади. Унда аниқ тадбирлар белгиланган. Дўстларни доғда қолдирмаймиз...

Ниҳоятда босиқ, андишали ва ишонувчан халқ авлодимиз, мансабдорларнинг ваъдаларига ишониб келганмиз. Марказдан келган юқори мартабали меҳмонинг лабзига ҳам ишонгимиз келади.

В. С. Павловни СССР ва Ўзбекистон ССР байроқлари билан безатилган Тошкент тайёрагоҳида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, республика Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Мамлакат Бош вазири кеча Қорақалпоғистон ва Хоразмга сафар қилди. Унга И. А. Каримов ҳамроҳлик қилди.

●

Орол денгизи сувининг ҳаддан зиёд камайиб кетаётганлиги, Амударё ва Сирдарёдан Оролга бир томчи ҳам сув бормай қўйганлиги Қорақалпоғистондаги экологик вазиятни янада оғирлаштириб юборди. Боз устига бу йил баҳор жала, сел, дўл ҳар йилдагидан ҳам кўп бўлди. Кўпчилик районларда бир кунда уч-тўрт марталаб ёмғир ва дўл ёғди.

Суратда: Тошкент тайёрагоҳида кутиб олиш пайти. А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Республикада чигит экилган 150 минг гектар майдоннинг деярлик ҳаммаси табиий офатдан зарар кўрди. Жуда катта майдонлардаги ғўзаларга жиддий шикаст етди. Айниқса, Қўнғирот, Тўрткўл, Кегайли, Амударё, Шуманай, Хўжайли, Ленинобод ва бошқа бир қатор районлардаги хўжаликлар ёғингарчиликдан зарар кўрди. Колхоз ва совхозларнинг далаларини сув босди. Кучли шамол уй томларини кўчириб юборди.

СССР Бош вазири В. С. Павлов билан Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг Қорақалпоғистон жумҳурият комитетида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида қатнашдилар.

Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси, жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетов билан жумҳурият Вазирлар Кенгашининг Раиси А. Х. Тожиев табиий офат — мисли кўрилмаган жала ва дўл оқибатларини тугатиш юзасидан ҳозир кўрилаётган тадбирлар тўғрисида ахборот беришди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 50 миллион сўмлик зарар етган. Пахта ва бошқа экинларни экиш муддатлари ўтиб кетганлиги, Қорақалпоғистоннинг бусиз ҳам зарар келтираётган ва паст рентабелли совхозлари ҳамда колхозлари қайта экишни жуда тез ўтказганларида ҳам юқори ҳосил олишга умид боғлай олмасликлари вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Кўплаб уй-жойлар шикастланди ва шу сабабли Қорақалпоғистон ҳозирги вақтда, айниқса бинокорлик материалларига жуда муҳтож бўлиб қолди.

Оғир экология вазияти, табиий офатнинг қутириши жумҳурият иқтисодиётига жиддий зарба берди. Қорақалпоғистон аҳолиси иттифоқ ҳукуматининг ёрдамига умид боғламоқда, деб таъкидлашди нотиқлар. Бундай ёрдам бўлмаса, Орол муаммолари тугунини ечиб бўлмайди.

В. С. Павлов Орол фожиасини умуммиллий кулфат деб атади. Бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг асосий вазифаси қурилиш суръатларини кучайтириш, қувватларни оширишдир. Ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши жуда истиқболли ишдир. Иттифоқ ҳукумати экологик фалокат зонасида яшаётган аҳолига ёрдам бериш учун имкони бор ҳамма ишларни қилади, Орол муаммосини ҳал этишга ўз эътиборини кучайтиради.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ўз нутқида кечикмай ҳал этилиши лозим бўлган аниқ масалаларга тўхталди. Бу масалалар орасида «Аралводстрой» ни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, Туямўйин-Нукус сув қувури ётқизилишини тезда тугаллаш масалалари бор. Қурилиш тармоғи базасини ривожлантиришда 10-15 та ғишт заводини қуриш катта ёрдам берган бўлур эди. Жаҳонда пахта етиштириладиган энг шимолий зонада тайёрланадиган хом ашёга нарх коэффицентини белгилаш зарур бўлиб қолди. Ўзбекистон ҳукумати ўз навбатида Қорақалпоғистон аҳолисига имкони бўлган ҳамма ёрдамни беради, деб ишонтирди президент.

Кенгашда Туркманистон ССР Бош вазири Ҳ. А. Аҳмедов қатнашди.

В. С. Павлов «Узградострой» бирлашмасининг Нукусдаги уйсозлик комбинати иши билан танишди.

●

СССР Бош вазири В. С. Павлов билан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 23 майда кунниг иккинчи ярмида Урганчга келдилар. Аэропортда уларни Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Советининг раиси Р. М. Худойберганова, вилоят ижроия комитетининг раиси А. Искандаров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Хоразм меҳнаткашлари билан суҳбатларда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, бозор муносабатларига ўтиш муаммолари тилга олинди. Минтақада Орол денгизи фожиаси натижасида юз берган экология вазиятини яхшилаш масалаларига катта эътибор берилди. В. С. Павлов рафиқаси билан қадимий Хивада бўлдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор тарихий жойларини — Ичонқалъа шаҳар-қўриқхонасини кўздан кечирдилар, музей ходимлари, илмий ходимлар, таъмирловчилар билан учрашдилар. Учрашувларда Шарқ меъморчилигининг қадимий архитектура ансамбларини авайлаб-асраш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Совет ва хорижий туристлар компаниялари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган йирик корхона — Хива гиламдўзлик бирлашмасига борилган пайтда ишчилар, инженерлар билан суҳбат бўлди.

СССР Бош вазири Хива районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида бўлди, пахтакорлар билан суҳбатлашди.

Кечқурун Урганчда вилоят партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди, унда В. С. Павлов нутқ сўзлади.

Шу куни В. С. Павлов билан И. А. Каримов Тошкентга қайтиб келишди.

Иттифоқимизда

М. С. ГОРБАЧЕВ ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев 22 май куни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ва Арманистон Компартияси Марказий Комитети делегациялари билан учрашди.

Озарбайжон ва Арманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг котиблари А. Ф. Дашдамиров ва А. Г. Саркисян ўртоқлар делегациялар ўртасида бўлиб ўтган фикрлашиш мазмуни ҳамда икки жумҳурият ўртасидаги муносабатларни изга солишга кўмаклашадиган биргаликда келишиб олинган тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Миллатлараро можаро чўзилиб кетганидан мамлакат ва партия раҳбарияти катта ташвиш чекаётганлиги айтилди. Делегацияларнинг муҳолифлик ва низоли масалаларни куч ишлатиш усуллари билан ҳал қилишга уриниш — боши берк кўчага олиб борадиган истиқболсиз йўлдир, деган фикрини М. С. Горбачев қўллаб-қувватлади ва Компартияларнинг тангликдан чиқиш йўлларини биргаликда фаол излашга доир ташаббусини маъқуллади.

Минтақада ғайриқонуний қуролли бўлинмаларнинг мавжудлиги, улар тинч аҳолини қатағон қилаётганлиги можарони бартараф этиш учун жиддий ғов бўлмоқда, деди у. Конституциявий қоидалар, СССР Президентининг ана шу бўлинмаларни қуролсизлантириш тўғрисидаги фармони доирасида кўрилаётган чоралар қаттиқ қаршиликка дуч келмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Олий Кенгашининг қарори

Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси ҳақида

СССР Олий Кенгаши умумий концепциясини СССР халқ депутатларининг тўртинчи Съезди қўллаб-қувватлаган янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасини муҳокама этиб, **қарор қилади:**

1. Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг матнини 1991 йил 17 март куни бўлиб ўтган СССР референдуми якунларига мувофиқлаштириш зарур деб ҳисоблансин.

2. СССР Олий Кенгашининг комитетларида, палаталарининг доимий комиссияларида ва СССР халқ депутатлари гуруҳларида Иттифоқ шартномаси лойиҳасини муҳокама қилиш якунлари тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин. Комитетлар, комиссиялар, депутатлар гуруҳлари ва СССР халқ депутатларининг таклифлари ва мулоҳазалари СССР халқ депутатлари тўртинчи Съезди томонидан тузилган тайёргарлик комитетига Иттифоқ шартномаси лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш чоғида эътиборга олиш учун топширилсин.

3. Иттифоқ шартномасини имзолашда ССР Иттифоқи давлат ҳокимияти олий идоралари юборган вакиллар иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 май.

СССР Олий Совети сессиясида

Иттифоқ парламенти палаталарининг қўшма мажлисида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳасини кўриб чиқиш давом эттирилди. Шу йилнинг февраль ойида ушбу Қонун лойиҳаси биринчи муҳокамадан ўтган эди.

Мунозарадан сўнг Қонун лойиҳаси умуман қабул қилинди. Уни моддама-модда муҳокама этиш бошланди. Депутатлар барча моддаларни муҳокама қилиб, шу тариқа Қонун қабул қилингач, уни 1992 йил 1 январга қадар кучга киритиш мумкинлиги тўғрисида сўз борди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун мамлакат олий ҳокимияти қабул қилган барча қонунларнинг юзинчисидир.

Мажлисда СССР Олий Кенгашининг янги Иттифоқ шартномаси лойиҳаси тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Янги Иттифоқ шартномасини имзолашда иштирок этиш учун СССР делегациясини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Кеча депутатлар парламент комитетлари ва комиссияларда иш олиб бордилар. Бугун эса улар яна сессиянинг ялпи мажлисида иштирок этадилар.

(ТАСС хабарларидан).

Хорижда

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ КОНГРЕССИ (И) НИНГ ЯНГИ РАИСИ

ДЕҲЛИ, 23 май, (ТАСС мухбири Андрей Черепахин). Ҳиндистоннинг сешанба куни ҳалок бўлган атоқли сиёсий арбоби Ражив Гандининг беваси Соня Ганди кеча энг катта ва обрўли Ҳиндистон Миллий конгресси(И) партиясининг янги раиси этиб бир овоздан сайланди. ЮНИ агентлигининг маълум қилишича, Ҳиндистон Миллий конгресси (И) ишчи комитети шошилинч мажлисининг қарори тўғрисида партиянинг расмий вакили Пранаб Мукержи хабар қилган.

РАЖИВ ГАНДИНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

ДЕҲЛИ, 23 май. (ТАСС). Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатдаги энг катта Ҳиндистон Миллий конгресси (И) партиясининг раиси Ражив Ганди, тахмин қилишларича, «жонли бомба» — ўзини ўзи ўлимга маҳкум этган аёл томонидан ўлдирилган. Бу аёл қўйнида кучли портловчи қурилма олиб келган эди. Жиноятчининг кимлигини аниқлаш мумкин эмас, чунки унинг танаси парча-парча бўлиб кетган. Мурда қолдиқларида қуйиб қорайиб кетган симлар ва электр батареяси топилди.

Жиноятчи Ланка ҳарбийлаштирилган «Тамил илама» озодлик йўлбарслари (ТОТИ)» гуруҳи аъзоларидан бўлса керак, деган тахминлар айтилмоқда. Айни вақтда, ПТИ ахборот агентлиги мухбирининг Лондондан хабар беришича, ТОТИ раҳбарияти Ражив Гандининг ўлдирилишига ўз ташкилоти дахлдор эканини рад қилди. Кашмирдаги «Жамму ва Кашмирни озод қилиш фронти» экстремист гуруҳи ҳам бундай ёвузлик учун жавобгарликни ўз бўйнига олишдан бош тортди.

ЧЎПОН БАЙРАМИ

● Уч йилдирки, Конимех районида ўзига хос анъана йўлга қўйилган. Чунончи, қўзилатиш ва жун қирқимидан кейин район марказида меҳнатни шарафлаш маросими ўтказиляпти. Бундай ўзига хос меҳнат сарҳисобини чорвадорлар Чўпон байрами деб аташмоқда.

Яқинда ана шундай байрам бўлди. Район партия комитетининг биринчи котиби, район кенгашининг раиси халқ депутати Ж. Нуруллаев қўйчиларни эришилган муваффақият билан муборакбод этди. Қоракўлчилар бу йилги тўл мавсумида ҳар юз совлиқдан ўрта ҳисобда 108 тадан қўзи олишди. Қўзиларнинг 58 фоизи ўстиришга қолдирилди. Олинган соф даромад 10,2 миллион сўмни ташкил қилди. Рентабеллик бир йил мобайнида 4,6 фоизга ошди. Чорвадорларнинг ўзаро мусобақасида «КПСС XXV съезди» давлат наслчилик хўжалиги муваффақият қозонди. «Шофиркон» ва «Коммунизм» давлат хўжаликлари ҳам мукофотли ўринларни эгаллашди. Байрамда илғорларга кўчма қизил байроқлар, Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди. Тантана спорт мусобақалари ва бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари билан якунланди.

Табиат қишлоқ меҳнатчиларини, хусусан, қўйчиларни ҳам «синов»га тутмоқда. Байрамнинг эртаси куни яйловга ёққан дўл аралаш ёмғир катта зиён етказди. Уй-жойлар, чорвачилик бинолари бузилди. «КПСС XXV съезди» давлат наслчилик хўжалиги отарларида табиий офат кучлироқ бўлганлиги кўзга ташланди. «Октябрь 40 йиллиги» давлат хўжалигига ҳам катта шикаст етказди. Жумладан, хўжаликнинг 20 та отарини шошилинч равишда бошқа хўжаликларнинг яйловларига кўчиришга тўғри келди.

Яйловларда кетма-кет довуллар юз бераётир. Чўпонлар қийинчиликларга дош бериб, матонат билан қоракўлчилик самарадорлигини оширишга уринишмоқда. Шу кезда ҳам чорвадорлар байрамни ҳам унутмаяптилар. Конимехда анъананинг давом этиши табиий. Вилоятнинг Томди, Учқудуқ каби қоракўлчиликка ихтисослашган районларида ҳам бундай тадбирлар ташкил этилса, айни муддао бўларди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетида

22 май куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комитетида кенгаш бўлди. Кенгашга Тошкент вилоят ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раислари, комиссияларининг раислари, Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссариатининг раҳбарлари, жумҳурият Фуқаро авиацияси ва Ўрта Осиё Темир йўли бошқарувининг масъул ходимлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг ҳарбий комендантлари ва штаб хизмати раҳбарлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси билан Ўрта Осиё транспортдаги Ички ишлар бошқармасининг раҳбарлари таклиф қилинган эдилар.

Кенгаш қатнашчилари ҳарбий хизматга чақирилувчиларни жўнатиш ва ташишни ташкил этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ТАЪЗИЯ БИЛДИРИЛДИ

Ҳиндистон жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консулхонаси мотам либосида. Ҳиндистон давлат байроғи эгиб қўйилган.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Ҳиндистон жумҳуриятининг собиқ бош вазири, Ҳиндистон Миллий конгресси (И) партиясининг раиси Ражив Гандининг фожиали ҳалокати муносабати билан таъзия билдириш учун 23 май куни Бош консулхонага келди. У таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қўйди.

Ш. Р. Мирсаидов Ҳиндистон Жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консули А. К. Мукержи билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов номидан жумҳурият халқи номидан Ҳиндистон халқига таъзия изҳор қилди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқалар ривожланишида ижобий жараёнлар Ражив Ганди номи билан боғлиқлиги таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

• ФИДОЙИЛАР ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Тошкент райони партия қўмитасининг биринчи котиби, район Кенгашининг раиси Тўлқин МИРЁҚУБОВ билан суҳбатимиз моҳиятини партиянинг обрўсини кўтариш билан боғлиқ ҳаётий муаммо ташкил этди.

— Сиз бир неча марта суҳбатга унамадингиз. Бунинг боиси нимада?

— Хабарингиз бўлса керак, илгари Жиззахда район партия қўмитасининг биринчи котиби эдим. Вазият тақозоси билан бу ерда ишлаяпман. Орадан нисбатан оз вақт ўтди. Одамлар ҳар хил тушуниши, бир неча йиллар ишлаган котиблар туриб, нега энди ёшлар чиқишяпти, деб ўйлашлари мумкин.

— Тўғрику-я, аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор-да. Халқ учун нечоғлиқ фидойилик кўрсатиш — партия ходимлари учун мезонга айланиши керак. Шундай эмасми? Қолаверса, сиз ёш ҳам эмассиз. Ярим асрлик умрингизнинг онгли қисмини партия ишига бахшида этгансиз.

— Ўрта Чирчиқ районида, кейинчалик Жиззахда беш йил ишладим. Шу йиллар ичида битта хулосага келдим: кимки халқ билан ҳамнафас, бирга бўлсагина муносиб иззат-ҳурмат топади. Ҳамон қозғозбозликни, буйруқбозликни халқ билан бирга ишлашдан устун қўяётганларга қўшилолмайман. Бундай «аппаратчилар» халқдан шу тариқа четлашиб қолаётганликларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Ҳамма гап, эришиладиган ютуқларнинг гарови, партия ходимларининг обрўйи халқнинг уларга нечоғлик ихлос қўйишида, ишонишида, уларга эргашишида, деб биламан.

— Сиз ўзингизни шунга эришдим деб ҳисоблайсизми?

— Айтишга ноқулай бўлса ҳам бир мисол келтирмоқчиман. Ҳозиргина Жиззах вилоятидаги Дўстлик районидан одамлар келиб кетишди. Шаҳар, район партия қўмиталари ходимлари, қолаверса, оддий меҳнатчилар ҳам йўқлаб туришади. Уларнинг оғир кунларида ҳам, тўй-маъракаларида ҳам бирга бўлганман. Райкомимизда баъзилар бунга ҳайрон бўлишади. Меҳр билан халқнинг иззат-ҳурматини қозониш, уларнинг ихлосига эришиш ҳар бир партия ходими учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан. Бунинг учун аввало партия ходими халқсевар бўлиши керак.

— Ҳозирги даврдаги мафкуравий ишларни, иш услубини тубдан ўзгартириш зарурлиги кўринриб турибди. Сир эмас, партиянинг обрўси зил кетишига ҳам аслида узоқ йиллар ишнинг кабинет, қўнғироқбозлик, буйруқбозлик сингари эскирган, ярамас усуллари ҳукм суриб келгани сабаб бўлди. Аслида аппарат ходимларининг оммадан ажралиб қолиши ўзи бир фожиа. Халқнинг ихлосига эришиш ҳозир ҳамма нарсадан ҳам керакли. Аммо бунга эришиш ҳамма ҳам насиб қилавермайди. Бунинг учун партия ходими ўз иш жойини халқнинг орасида деб билиши, ҳар қандай масалада ҳам халқ билан маслаҳатлашиши асосий мезон. Бу ҳақда район партия конференциясида қайта-қайта таъкидланган эди. Шу йўналишдаги фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тўғри айтасиз. Район партия конференциясидан кейин партия ташкилоти ўз фаолиятини ана шу йўналишга бўйсундирди. Барча соҳаларда ва ҳар биримизнинг ишимизда ҳозир мафкура биринчи ўринга чиқарилди. Зеро халқ билан маслаҳатлашиш, халқнинг фикрига қулоқ солиш ва унинг айтганини қилиш ҳеч қачон ҳеч кимга зарар келтирмаган. Чунки, халқдан ўта доно йўқ. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, биз партиявий сўзимизни халқ ҳам чуқур сингдириб бораётганимиз, ўз фаолиятимизни халқнинг фикри билан уйғунлаштираётганимиз мана ўзингиз кўриб турганингиздек илк мевасини беряпти. Бу ҳақда мен яна тўхталаман.

Ўша турғунлик йиллари деб аталган даврда ҳафтанинг бир куни бошланғич ташкилотларга ёрдам учун ажратилган эди. Шу куни оддий инструктордан райком котибигача ҳамма бошланғич ташкилотларга бориб, иш юритиш, йиғилишларга тайёргарлик кўриш, ҳужжатларни олиб боришда ёрдам берарди. Эндиликда бу иш янада такомиллаштирилди. Инструктор ва бўлим мудирлари бошланғич ташкилотлардан ортсаларгина райком аппаратига келиб ўз вазифаларини давом эттирадилар. Бошланғич ташкилотлар кўп жиҳатдан мустақил тарзда фаолият кўрсатишмоқда. Аммо қуйи бўғинларда ҳали ҳамма котиблар, бюро ва партия комитети аъзолари ҳам ана шу мустақилликдан етарли фойдаланишяпти, деб бўлмайди, албатта. Партия Уставида сафимизга аъзолар қабул қилиш, бошланғич ташкилотларнинг мустақиллиги аниқ қилиб кўрсатиб берилгандан сўнг, бошланғич ташкилотлар бу йўналишдаги фаолиятларини ҳозир тўғри изга солиб юбордилар. Аммо бунинг учун ўзим ҳозир бўлишим шарт бўлган жойда ўтказаман. Масалан, бугунни олайлик. Ҳозир бирров кирганимда сиз билан суҳбатлашиб қолдим. Аслида Навоий номли жамоа хўжалигига боришни мўлжаллаб турувдим. У ерда болалар боғчаси қуряпмиз.

Бу районимиздан битта мисол, холос. Бу йил яна иккита катта мактаб биноси қурилиши ниҳоясига етай деб турибди. Ноҳиядаги ҳамма ўқувчиларни уч йил ичида бир сменали ўқишга ўтказиш режамиз қатъий. Ҳозирги пайтда йўқни йўндириб, имконият топадиган давр. Менимча, энди қуруқ гаплар даври ўтди. Одамлар раҳбардан амалий ишлар қутишяпти. Бояги боғча қурилиши анчадан бери чўзилиб келаркан, чунки хўжаликнинг ўз кучи етмагач, юз элликка яқин қурувчи ҳашар йўли билан ҳаш-паш деганча бинони битказиб қўйди. Халқнинг эсидан чиқмайди-да бунақа ишлар. Қурилган бинолар эса ёш авлод учун ёдгорлик бўлиб қолади. Шу сабабли ҳар куни районнинг у ёки бу жойига бориб, ишларнинг томир уришини, халқнинг кайфиятини ўз кўзимиз билан кўрмасак бўлмайди. Гоҳида жойларда ташкилотларнинг раҳбарлари ишни яхшилашга ваъда беришади. Ишонаман, аҳд қилдими, уддасидан чиқади, деб юқорида айтганимдек, райкомнинг ҳар бир ходими вақт билан ҳисоблашмай, тер тўкиб ишлашига тўғри келяпти. Мафкуравий ишларни олиб боришда ҳам шундай йўл тутиб, хато қилмадик. Эндиликда фақат бошланғич ташкилотлардагина эмас, дала шийпонларида ҳам сидқидилдан суҳбат ўтказадиган райком ходимларини мамнун бўлиб кутиб олишади. Чунки бошқалар қатори райком аппаратининг ходимлари ҳам ташвиқотчи ва тарғиботчилик вазифаларини аъло даражада бажармоқдалар. Халқ уларнинг ҳар бир сўзини партиянинг сўзи сифатида қабул қилмоқда.

— Шахсан ўзингиз иш вақтидан қандай фойдаланяпсиз?

— Мен котиб, айни пайтда район Кенгашининг раисиман. Аммо бу биринчи шахсга алоҳида имтиёз бермайди, балки янада кўпроқ масъулият юклайди. Мен котиб сифатида бутун иш кунимни бошидан охиригача шахсан унинг уйига бориб сувашиб юборса, бир умр унинг ёдидан кўтарилмайди-да. «Кўксарой» маҳалласи фаоллари атиги битта чойхона қуриш учун етти йил райкомга — юқори ташкилотларга мурожаат қилишибди. Биз уни бор-йўғи уч ярим ойда битириб бердик. Бугина эмас, янги ошхона, нонвойхона, магазин ҳам қурилди. Почта, алоқа бўлими, омонат касса ишлаб турибди.

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Бу йил районда бир колхозчининг ўртача ойлик маоши 200-250 сўмни ташкил этади. Тажрибали коммунист Сиддиқжон Муҳаммаджонов раислик қилаётган «Ленин йўли» ҳамда Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжаликларида эса 350 сўмдан ошди. Нархнаво кўтарилган бир пайтда бизнинг мақсадимиз — ана шу кўрсаткични 400 сўмга етказиш. Бунга имконият, куч-ғайрат ҳам етарли. Бултурдан районимиз хўжаликлари мустақил бўлиб, катта даромад олдилар. (Уларнинг даромади етти миллион сўмга ошди). Ҳар бир колхозчининг ойлик маоши бир йил ичида қирқ сўмга кўтарилди. Бу — қишлоқ хўжалигига маъмурий-буйруқбозлик усули синиб, юқоридан уларнинг ишига аралашавериш кескин камайгани, район кенгашининг роли ошгани, мустақил иш юритиш (фалон-фалон экинларни экасан, деб кўрсатма беришлар, ойма-ой режалаш барҳам топгани) самарасидир.

— Шундайку-я бир шахс қўлида икки лавозим бўлишига нима дейсиз?

— Бир пайтлар бу нарса қораланган эди. Аммо ҳозирги пайтда халқ учун бу зарур эканлиги кўринриб турибди. Негаки халққа фойдали масалаларни ҳал этиш жадаллашяпти, улар бунга масъулиятли раҳбар фаолиятини сезиб, ҳис этиб туришибди. Бу жиҳатдан икки лавозим қўшилгани яхши бўлди. Аммо партия ишидан бироз четлашиб қолмаяпмизми? Боя ишора қилганингиздек, кўпроқ хўжалик фаолиятига ўралашмаяпмизми? Бунинг устига райкомнинг биринчи котиби маошни район Кенгашидан оляпти. Бу ҳам унча ўринли эмасдек туюлади менга. Райком аппаратини қисқартириб бўлса ҳам маошни райкомдан оладиган қилиш керак. Қисқаси, ҳозир тажриба тариқасидаги ишлар бироз кўпайиб кетгандек. Бир маҳаллар қишлоқ хўжалиги ва саноат обкомлари ҳам қўшиб юборилган эди.

Назаримда кейинчалик Бош секретарликдан тортиб райком котиблигигача лавозимлар ажратилиши керак. Ўшанда масъулият янада ошади.

Суҳбатдош

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

● Тошкент райони партия қўмитасининг биринчи котиби Тўлқин Мирёқубов (ўртада)ни доим бошланғич партия ташкилотлари котиблари даврасида учратасиз.

● Ноҳиядаги «Ленин йўли» хўжалигида уруш, меҳнат ва партия фахрийлари ҳамиша иззатда. Бу сурат Неъмат Носиров хонадонида олинган. Отахон онласига мукофотга ажратилган енгил автомашина топширилмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида аҳолини ва айниқса кам таъминланган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, СССР халқ депутатлари тўртинчи Съезди қарорларидан келиб чиқиб ва СССР Вазирлар Маҳкамаси билан СССР Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси кенгаши ўртасида тузилган битимни ҳисобга олиб, **қарор қиламан:**

1. Инсоннинг асосий физиологик ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол моллари ва хизматлар турқумини сотиб олишга харажатларни белгилайдиган истеъмол бюджетининг энг кам миқдоридан фойдаланиш ижтимоий сиёсатни ўтказиш амалиётига жорий этилсин.

Умуман мамлакатда, республикаларда, регионларда истеъмол бюджетининг энг кам миқдори ягона методология асосида ишлаб чиқилсин ҳамда аҳоли турмуш даражаси ўзгаришини таҳмин қилиш, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек шифохоналарда, интернатларда, мактабларда, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида овқатланишга давлат харажатларини белгилаш чоғида улар ижтимоий меъёрлар сифатида қўлланилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси Умуминтифоқ истеъмол бюджетининг энг кам миқдорини, республикаларнинг ҳукуматлари — республика истеъмол бюджетининг энг кам миқдорини тасдиқлайди.

2. Белгилаб қўйилсинки, истеъмол бюджетлари энг кам миқдорига кирадиган моллар ва хизматлар туркуми аҳолининг турли ижтимоий-нуфус туруҳлари учун илмий асосланган меъёрлар, истеъмолнинг миллий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётнинг амалдаги имкониятлари асосида аниқланади.

Истеъмол бюджети энг кам миқдори қийматини баҳолаш учун савдонинг барча турларини ҳисобга олган ҳолда тегишли моллари ҳарид қилиш ва хизматлардан фойдаланишнинг ўртача нархларидан фойдаланилсин.

3. Истеъмол бюджети энг кам миқдорининг натура-буюм тузилишини белгилаш чоғида истеъмол моллари ва хизмат турларига ҳар бир одам ёки оила харажатларининг қуйидаги асосий турларига биноан моллар ва хизматларнинг мутаносиб туркумларини киритиш тавсия этилсин:

овқатланиш, шу жумладан нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, сариёғ, тухум, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, картошка, сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари, мевалар ва резавор мевалар, ўсимлик ёғи ва маргарин, қанд-шакар ва қандолат маҳсулотлари, бошқа маҳсулотлар;

кийим, ич кийим, пойабзал;

дори-дармонлар, санитария, гигиена буюмлари;

мебель, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари;

уй-жой ва коммунал хизматлар;

маданий-маърифий тадбирлар ва дам олиш;

маиший хизматлар, транспорт, алоқа;

болаларнинг мактабгача муассасаларда бўлиши;

истеъмол бюджетларининг энг кам миқдорини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи давлат идоралари касаба уюшмаларининг, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг муқобил ҳисоблариги эътиборга олсин.

4. СССР Вазирлар Маҳкамаси ва республикаларнинг ҳукуматлари:

истеъмол бюджети энг кам миқдорининг қийматини истеъмол нархлари индекси ўсишини ҳисобга олиб йилига камида бир марта, истеъмол маҳсулотлари ва хизматлар турлари таркибини беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқсин;

истеъмол бюджети энг кам миқдори тузилиши ва қиймати тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрларда мунтазам эълон қилиб борсин;

ижтимоий дастурлар жамғармасини барпо этиш ва ундан истеъмол бюджетлари энг кам миқдори жорий этилишини ҳисобга олиб фойдаланиш тартиби тўғрисидаги таклифларни уч ой муддат ичида кўриб чиқсин;

1991 йил 1 июлгача ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 21 май.

М. С. ГОРБАЧЕВ ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Сўнгги кунлардаги воқеалар шуни кўрсатиб турибдики, бундай вазиятда муайян кучлар одамларнинг қийналишлари ва уларнинг бошига тушган ғамдан фойдаланиб яна сиёсий обрў орттиришга уринмоқдалар.

Юз берган вазиятда, деб таъкидлади М. С. Горбачев, Озарбайжон ва арман халқлари ўртасида ҳамжиҳатликка, тотувликка, ишончни тиклашга амалда қўмаклашиш коммунистларнинг, иккала жумҳуриятдаги соғлом фикрли барча кишиларнинг табиий инсоний ва сиёсий бурчидир. Вазиятни тўғри изга солиш, масалаларни Конституция асосида ҳал қилиш Тоғли Қорабоғ мухтор вилоятида маҳаллий совет ва партия идораларини тиклашга, мухтор вилоят мақомини мамлакатда юз берётган ўзгаришларни ҳисобга олиб реал мазмун билан тўлдиришга йўл очади. Бу эса кўп миллатли буюк мамлакатимиздаги барча жумҳуриятларнинг, ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Коммунистлар барча демократик, илғор жамоатчилик билан биргаликда қонунлар доирасида сиёсий усуллар билан ҳаракат қилиб муаммолар амалий ҳал этилишига, минтақадаги барча фуқароларнинг турмуши меъёрий изга тушишига ҳормай-толмай кўмаклашишлари керак.

М. С. Горбачев шу энг зарур, ҳаётий муҳим мақсадларни иттифоқ ҳокимият идоралари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини айтди.

(ТАСС).

НОРОЗИЛИК БИЛДИРАМИЗ

Биз, уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи Ленинград мудофааси қатнашчилари Ленсовет раиси А. Собчак оғзидан, 12 июнга белгиланган референдум шаҳар номини ўзгартириш ҳақида бир қарорга келадиган бўлса, бу унинг учун энг қувончли кун бўлиши мумкинлиги ҳақидаги сўзларни қалбларда алам ва нафрат билан эшитдик...

Бундай сўзларни Ленин шаҳрининг тирик ва марҳум мудофаачилари шаънига билдирилган ҳақоратомуз сўзлар деб баҳолашдан ўзга чорамиз йўқ. Уларни фашистларга қарши қаҳрамонона жанг қилган, қақшатқич жангларда немис босқинчилари устидан ғалаба қозонган ва Ленинградни йўқ бўлиб кетишдан асраб қолган кишилар шаънига билдирилган таҳқиромуз сўзлар деб баҳолаш керак.

Бизларни, революцион шон-шуҳратга бурканган шаҳар тарихини ҳамда ҳар бир совет кишиси учун муқаддас ҳисобланган Ленин номини бадном этиш билан боғлаб олиб борилаётган ва минг афсуски, Ленсовет томонидан қўллаб-қувватланиб авжига чиқарилган шов-шув кампанияси ғазаблантирмоқда. Биз янги чиққан сиёсатбозларнинг иғвогарона хатти-ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирамиз, «Правда» рўзномасининг шу йил 14 майдаги «Ленинградни ҳимоя қиламиз» мақоласини бутунлай ва тўла тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Агар керак бўлса қаҳрамон шаҳар мудофаасига яна отланамиз.

Биз, СССР ва РСФСР халқ депутатларини, мамлакат ва Россия раҳбариятини, барча ленинградликларни, уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларини, байналмилалчи жангчиларни, коммунистлар ва комсомолларни, эзгу ниятли кишиларнинг ҳаммасини қатъий норозилик билдиришга, барча совет кишиларининг ёркин, қаҳрамонона хотирасини таҳқирловчи жаҳолат ва маданиятсизликдан иборат тайёрланаётган ишни тўхтатиб қолишга даъват этамиз.

Қадрли ленинградликлар! Ҳушёр бўлинглар, Ленсовет айрим депутатларининг иғвогарона чақириқларига берилманглар, донолик ва мардлик кўрсатинглар. Шаҳарни йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолиш учун жонини фидо қилганларни, қардошлик қабристонларида мангу уйқуда ётганларни эсда тутинг.

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларининг жумҳурият, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида қабул қилинган.

СССР Прокуратурасида

● 21 май куни СССР Бош прокурори Н. С. Трубин раислигида СССР Иттифоқи прокуратураси ҳайъатининг мажлиси бўлди. Унинг ишида ҳайъат аъзолари сифатида биринчи марта иттифоқдош жумҳуриятларнинг прокурорлари қатнашдилар. Ҳайъат манфаатдорлик билан тиғиз иш олиб борди. Чунки прокурорлар тангликка қарши дастурни ва уни рўёбга чиқариш воситаларини амалга ошириш даврида биргаликдаги фаолиятнинг ягона устивор йўналишларини аниқладилар.

Иттифоқдош жумҳуриятлар прокуроларининг янги мавқеи, СССР Иттифоқи прокуратураси вазифаларининг, марказий ва жумҳурият прокурор органлари ваколатлари нисбатининг ўзгарганлиги — буларнинг ҳаммаси нотиқларнинг диққат-эътибори қаратилган асосий масалалар бўлди. У ёки бу муаммоларни муҳокама қилиш чоғида ёндашувлар ва баҳоларда баъзан хилма-хиллик бўлганига қарамай, асосий масалада ҳамманинг фикри бир хил бўлиб чиқди — ҳозирги пайтда мамлакатда конституциявий тартибни таъминлаш, сиёсий ва иқтисодий танглик шароитида кам ҳимоя қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ўзаро келишилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Айни шу сабабли ҳайъат прокурорлардан қонунни бузиб кўрсатаётган, янги иқтисодий муносабатлар қарор топишига, ҳуқуқий давлатни барпо этиш сари олға ҳаракат қилишга тўсқинлик қилаётган, ўзларига қарашли бўлмаган ваколатларни ўзлаштириб олаётган, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига путур етказаётган ҳар қандай идоралар ва мансабдор шахсларнинг «меъёрлар белгилашига» ишончли ғов қўйишни талаб қилди.

Тангликка қарши меъёрлар, мулкчилик, ер, кооперация, ишбилармонлик, нарх белгилаш умумий асослари тўғрисидаги қонунлар тўғри бажарилишига, корхоналар ва ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолиятида қонунийликка риоя этилишига биринчи даражали аҳамият бериш тавсия қилинди. Бунда прокурорлик системасининг бирлигидан ҳамда СССР Бош прокурори ва иттифоқдош жумҳуриятлар прокурорлари ваколатларидан тўла фойдаланиб, назорат идораларида, социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш шўъбаларида, Давлат хавфсизлиги комитетида, прокуратурининг ўзида суиистеъмоллар, ўғирликлар, порахўрлик, пул билан таъминлаш ҳамда моддий ресурсларни, пул ва валюта маблағларини тақсимлашнинг ғайриқонуний каналларини барпо этиш, сунъий тақчиллик вужудга келтириш, порага сотилиш ва таъмагирлик ва бошқа ғаразли жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги материаллар қонуний ҳал этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ҳеч истисносиз барча сиёсий партиялар, оммавий жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари фаолиятида қонунга риоя этилиши устидан назорат даражасини ошириш вазифаси қўйилди. Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари раҳбар органлари ва аъзолари ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган тақдирда прокурорлар расмий равишда огоҳлантириш, айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга, зарур ҳолларда эса, қонунга мувофиқ равишда уларни тутатиш масаласини суд олдига қўйишга мажбурдирлар.

Танаффусдан сўнг ССР Иттифоқи прокуратураси ва СССР Давлат ҳакамлиги ҳайъатларининг қўшма мажлисида ана шу органларнинг тангликка қарши дастурни амалга ошириш даврида иқтисодий муносабатларда қонун бузилишининг олдини олишга доир баҳамжиҳат ҳаракатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ҳайъатлар қайд этдиларки, иқтисодиётдаги тангликнинг ҳолати кўп жиҳатдан бир қанча жумҳуриятлар қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти органларининг марказга қарама-қарши ҳаракатлари билан боғлиқ. Бу ҳаракатларни манфур қонунлар уруши келтириб чиқармоқда. Халқ хўжалигидаги вазиятни барқарорлаштиришга ва ягона иқтисодий маконда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган аниқ-равшан ташкилий-ҳуқуқий чоралар қабул қилиш зарур деган фикр айтилди. Жумладан, оддий совет фуқароларининг манфаатларига биринчи навбатда зарба урадиган саноат рэкетининг, носоғлом рақобатнинг олдини олишга, уни чеклаш ва тугатишга қаратилган монополиялга қарши қонунни тезроқ ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Мажлисда прокуратура билан Давлат ҳакамлигининг юз берадиган фавқулодда вазиятда биргаликда амалга оширадиган чоралари ва ҳаракатлари ишлаб чиқилди.

Ҳайъат ишида Иттифоқдаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

ШАҲАР ҚАРАБ ТУРМАСИН

Фармон ва унинг ижроси

Фарғоналиклар кўкрагига шабада тегди. Жумҳурият Президенти Фармони шарофати билан ўн мингдаб оилалар уй-жойли бўлишди. Биргина Охунбобоев ноҳиясида шу йилнинг ўзида аҳолига 1246 гектар томорқа берилди. 3,5 мингдан зиёд оила уй-жой қура бошлади. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бу борада Ленин номли жамоа хўжалигидан томорқа олган хўжалик аъзоси Ниёзали Ҳамидовнинг ҳасратига қулоқ тутайлик:

— Саккиз нафар болам бор. Катта ўғлим уйланган. Тезроқ иморатни битказиб, уни шу ерга кўчириш керак. Аммо ёғоч-тахта, шифер танқислиги сабабли ўтган йилдан буён қурилишни тугата олмадим.

Шу атрофдаги ўн гектар ерда юзга яқин оила уй-жой қура бошлаган. Юқоридаги сабаблар туфайли бирорта хонадон ҳам иморатни битказиб ололмабди.

Устига устак иморат қуриладиган жойларга очилган йўллар ўйдим-чуқур, қаровсиз. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳали бу янги кўчаларга ичимлик сув, табиий газ қувурлари, электр, телефон, радио симлари тортилиши, асфальт ётқизилиши даркор. Янги боғча, мактаб, медпункт, дўконлар керак. Ахир замонавий қишлоқ ҳаётини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди-да. Шу ўринда бир савол туғилади: Биргина жамоа ёки давлат хўжалиги кучи билан қисқа муддатда кенг кўламдаги ана шу қурилиш ишларини амалга ошириб бўладими?

— Афсуски, бу жуда қийин, — дейди Киров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Солижон Эргашев. — Кейинги уч йил мобайнида уч юз гектардан ортиқ ерни томорқа учун бердик. Бир ярим мингга яқин оила уй-жой барпо қилди. Бу эса хўжалик ҳудудида янги катта бир қишлоқ пайдо бўлди, дегани. Бироқ эски қишлоқларимизни табиий газ, ичимлик сув билан таъминлашнинг ўзи муаммо. Янгисида яна ҳам мушкул. 1990 йили ноҳияда 27 километр ичимлик сув қувури ётқизилган. Олти метр газ қувури тортилган. 31 километр янги йўл очилган, холос. Ажратилган фондлар билан кифояланмай, шартномалар тузиш йўли билан РСФСР ўлкаларидан қурилиш материаллари олиб келиняпти. Аммо булар эҳтиёж олдида дарёдан томчи, холос.

Муаммони ҳал этишнинг бошқа йўллари ҳам борми?

— Бор, — дея жавоб беради ноҳиядаги Сурхтепа қишлоғи Кенгаши раиси Муҳаммаджон Абдураҳмонов. — Ноҳиямиз қишлоқлари Марғилон шаҳри атрофида жойлашган. Уларда яшаётган аҳолининг аксарият қисми шаҳарда ишлайди. Масалан, шаҳарга чегарадош бўлган бизнинг қишлоқларда аслида 11 минг киши бор. Қишлоқ ҳудудидаги Фрунзе номли жамоа хўжалиги аъзолари сони эса 1300 дан сал ортиқ, холос. Демак, аҳолининг катта қисми шаҳарга қатнаб ишлайди. Қарангки, шунча аъзоси бўлган хўжаликда 1990-1991 йилларда 2500 оилага томорқа ери берилди. Демак, шаҳарда ишловчи одамларнинг асосий қисми қишлоқдан уй-жой олишди. Қизиғи шундаки, уларнинг бундан кейин ҳам қишлоқда ишламаслиги тайин. Аммо янги маҳаллаларга йўл солиш, табиий газ, ичимлик сув ва бошқа серхаражат ишларни адо этиш жамоа хўжалигининг зиммасига юкланган. Лекин бу ердаги одамларнинг кўпчилиги шаҳар учун ишлаяпти-ку. Шаҳар ўз бюджетидан уларнинг турмуш даражасини ошириш учун маълум миқдорда маблағ, фондидан эса озми-кўпми қурилиш материаллари ажратиши жоиз эмасми?

Бу фикрда жон бор. Масалан, шу хўжаликдаги Қиргули қишлоғида 1,5 минг одам яшайди. Уларнинг деярли 90 фоизи Фарғона шаҳар корхона ва ташкилотларида ишлашади. Аммо қишлоқ кўчаларини асфальтлаш, унинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш фақат хўжалик гарданида.

Бундай муаммо Фарғона, Марғилон, Қўқон, Қувасой ва бошқа шаҳарлар атрофидаги ноҳияларнинг ҳаммасида бор. Уларда яшовчи ўн минглаб кишилар шаҳар корхона ва ташкилотларида ишлашади. Шу жиҳатдан олганда шаҳарларнинг мутасаддилари, Иттифоқ ва жумҳуриятга бўйсунувчи корхоналар раҳбарлари шаҳарлар атрофидаги ўзларига қарашли кишилар гавжум яшаётган қишлоқ ва маҳаллаларда қурилиш ишларига ўз ҳиссасини қўшишлари даркор. Бу борада айрим ижобий интилишлар ҳам бўляпти. Масалан, Марғилон шаҳар ижроқўми Охунбобоев ноҳияси қишлоқларидаги қурилишларга ёрдам бериш хусусида яхши ташаббус бошлаган эди. Афсуски, бу ташаббус амалий ишлар билан мустаҳкамланмади.

— Шаҳар бугун четдаги томошабин бўлиб турмасин, — дейди Охунбобоев ноҳия партия комитетининг биринчи котиби О. Алихонов. — Қишлоқ аҳолисининг ёғоч-тахта, қувур ва бошқа қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондиришда бизга ёрдам бериши даркор, деб ҳисоблаймиз. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади. Биз шаҳарга ўта тиғиз муаммони ҳал этишга ёрдам бердик. Аввало, сархил мева-чева, сабзавот, гўшт маҳсулотларини шаҳар бозорига ташиймиз, юзлаб гектар экин майдонларини Марғилон шаҳри аҳолисига уй-жой қуриш учун бердик. Бу ёғига энди шаҳардан мадад кутамиз.

Бу, бизнингча, ҳақли талаб!

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОДАМЛАРНИ ЮГУРТИРИБ ҚЎЙМАСЛИК КЕРАК

Жарқўрғондаги «Социализм» жамоа хўжалигининг аъзолари Наби Иброҳимов, Чори Мусурмонқулов, Тоҳир Тожиевлар яқинда ўз хўжаликларининг омборидан савдодаги нархга нисбатан анча арзон баҳода ёғоч харид қилдилар. Хўжаликнинг бирон жойда ёғоч етиштириб қўйган жойи йўқ. Лекин қурилиш ашёларини ўз аъзоларига етказиб бериш, арзон баҳода сотишнинг йўлини топмоқда. Қандай қилиб денг?

Илгари колхозчи томорқасида етиштирган зироатни сотиш учун тайёрлов идорасининг дарвозасини қоқарди. Ёки тижоратнинг фойдасини бирон бир олғирроқ кооператив билан баҳам кўриб қўяқоларди. Хўжалик бошқаруви бу йил томорқалар «жилови»ни ўзининг қўлига олди. Колхозчи энди маҳсулотини, масалан, карам ёки пиёзини тайёрлов идорасига эмас, жамоа хўжалигининг ўзига топширади, хўжалик маҳсулотни вагонга юклайди ва шартномага кўра тегишли шаҳарга сотади. Сотгани учун пул эмас, қурилиш ашёси сўрайди. Шундай қилиб томорқада етиштирилган карам пул бўлиб эмас, ёғоч бўлиб колхозчининг ҳовлисига қайтаверади.

Бу йил хўжалик томорқалар ҳисобидан Свердловск, Қозон шаҳарларига 1100 тонна карам, 200 тонна помидор, 40 тонна ерёнғоқ, турли хил мева жўнатмоқчи. Бунинг эвазига 1400 куб метр ёғоч, цемент, мих олиш режалари бор. Хўжаликнинг воситачи вакили — менежери Н. Худойназаров яқинда бошқарув раиси Н. Хўжановга ғалладан бўшаган ерга тиркиш қовун экиш катта фойда беришини, Россияда тиркиш қовун бозори чақ-қон бўлишини айтиб қолди. Ёш раис бундай таклифларни ерда қолдирмайдиган одам.

Жамоа хўжалигида ғишт арзон. Муҳими, ўз цехида ишлаб чиқарилаётган ғиштни хўжалик аъзоларига ўзи ташиб беради ва пишган ғиштнинг мингтасининг нархини 100 сўмдан оширмайди. Масалан, Ёқуб Узоқов, Нурбой Жоннозовлар цехдан уйларига ғишт ташиб олиш учун транспорт излаб ҳалак бўлмадилар.

Хўжаликда иккинчи тегирмон ҳам битай деб қолди. Бир қурилиш ташкилоти колхозга бетон қориш цехини қуриб бермоқчи. Оҳак цехини очиш ниятлари бор. Хўжаликда икки йил мобайнида 300 дан ортиқ киши томорқали бўлди. Янги томорқаларда экин-тикин ишлари яхши. Фақат уйлар қурилмаган. Хўжаликнинг ўз аъзоларига яратиб бераётган қулай шароитлари уй-жой қуришни тезлаштиришга кўмаклашуви, одамларни қурилиш ашёси излаб идорама-идора сарсон бўлишдан халос этиши табиийдир.

Ҳа, бирон зарур нарсани ўз пулига тополмай ёки ололмай сарсон бўлгандан ёмони йўқ. 16 май куни бир киши Жарқўрғон район ижроия комитети раиси хонасига йиғлагудек бўлиб кириб келди:

— Эшбўри Темировман. Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалигининг марказий устахонаси мудириман, — деб ўзини таништирди. — 50 та шифер оламан деб янги йилдан буён идорама-идора чопаман, — дейди у. — Шу масалада бундан уч йил аввал Жарқўрғон қишлоқ Кенгашига (раиси Т. Туропов) топширган аризамни тополмадим. «Минор» савдо идорасига (бошлиғи Э. Сафаров) қатнайвериб 30 кунча ишдан қолдим. Ахир одамларни югуртириб қўймаслик керакда, раис.

Эшбўри ака тўғри гапни айтди. Одамларни югуртириб қўймаслик керак.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ЕР ТАФТИ

Жумҳуриятимиз иқлим шароитида ҳар томчи сув қадрли. Кейинги вақтда қишлоқ хўжалигида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш деҳқонлар олдидаги муаммолардан биридир. Чунки бу муаммо — Орол денгизи сувининг кескин камайиши муаммосидир. Оролнинг қуриши, шубҳасиз, жумҳуриятимиз иқлим шароитини ўзгартириб юборди. Фалокатнинг олдини олиш йўлида бир қатор иқтидорли олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олийгоҳининг бир гуруҳ олим ва тадқиқотчилари шу муаммони ҳал этиш борасида илмий кузатишлар олиб бордилар. Тажрибалар ўзининг ижобий натижаларини беряпти. 1983 йилда олийгоҳнинг физика куллиёти қошидаги «Пахтачилик лабораторияси» тадқиқотчи олимлари янги карбоксиметил целлюзанинг натрий тузи асосида янги полимер яратдилар. Янгилик шу йили лаборатория шароитида синовдан ўтди. Сўнгра «Союзхлопок» ҳамда олийгоҳнинг Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги ўқув-тажриба хўжалигининг пахта майдонларида қўлланилди. Янги олинган полимер — поликомплекс плёнкасини олийгоҳнинг катта илмий ходими, иқтидорли олима, химия фанлари номзоди Муаттар Азларова етакчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи яратди. Унда Ленинград эволюцион физиология ва биохимия олийгоҳи ва Ломоносов номли Москва Давлат дорилфунуни олимлари ҳам ҳамкорлик қилдилар. Ҳозирги кунда ленинградлик олимлар бу комплекс плёнкани қишлоқ хўжалигида қўлланиб келмоқдалар.

Бу плёнканинг яратилиши ҳақида гуруҳ етакчиси билан суҳбатлашдик.

— Фанда янгилик яратиш узоқ илмий кузатиш, сабр-тоқат билан тажриба олиб боришни талаб қилади, — дейди олима Муаттар Азларова. — Гуруҳимизда истеъдодли тадқиқотчи олимлар, илмий ходимлар узоқ кузатишлар олиб боришди. Янги полимернинг дунёга келишида илмий ходим Тагир Мураказев, Маҳмуза Мираҳмедова, химия фанлари номзоди Маҳмуд Ҳафизов, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Борис Булатов сингари олимлар астойдил изландилар.

Плёнканинг қишлоқ хўжалигидаги афзалликлари таҳлилида. У қишлоқ хўжалигида эгат оралиғига ҳамда

Тадқиқотчи билан ёнма-ён

эгат пуштасига махсус агрегат ёрдамида сепилади. Айтайлик, уни пахтачиликда қўлланиш учун ниҳол таги қатқалоқ бўлмаслиги учун, сувдан тежаб фойдаланишда эса эгат ариқчаларига сепилади. Ер юза қатламига сажа (қоракуя, ранг) қўшиб сепилганда, ер юза қатламида иссиқлик ҳарорати бир-уч даражагача кўтарилади. Шу туфайли уруғ униб чиқиш муддати иккиуч кунга қисқаради. Намликнинг сақланиш муддати узайиб, қатқалоқ ҳосил қилувчи тупроқ қатлами учбеш марта камаяди. Пахта 8—10 кун эрта етилиб, ҳосили 4-6 фоизгача ошади. Бир неча йилдан буён Янгийўл ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги 6-бригадасида янги полимер муваффақиятли қўлланиб келиняпти.

— Ҳар йили пахта экиш майдонида поликомплекс плёнкасини қўллаяпмиз, — дейди звено бошлиғи Тошпўлат Азимжонов. — Ғўза ниҳоллари бошқа пайкаллардан уч кун олдин униб чиқди. Ўтган йилнинг ўзида ҳосилдорлик гектарига 4,4 центнерга ошди. Ҳар гектар ердан 200 сўмдан соф фойда кўрдик.

Плёнка жумҳуриятимизнинг Фарғона, Қашқадарё, Хоразм, Наманган вилоятлари пахта далаларида ҳам қўлланиляпти. Ленинградлик олимлар эса тажриба участкасининг парник шароитида ортиқча буғланишдан сақлаш учун шу плёнкани қўллаётирлар.

Яқинда плёнка ижодкорларидан бир гуруҳи Чернобилда бўлиб, инсоният учун хавфли бўлган радиация кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида поликомплексни қўлладилар. Уч йилдирки, Орол бўйида ҳам туз, қум барҳанларининг кўчиши, тупроқ, шамол, сув эрозиясининг олдини олиш мақсадида янгилик кенг кўламда қўлланила бошланди.

Жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигида янги яратилган поликомплекс плёнкаси катта иқтисодий фойда келтириши кўзда тутилмоқда. Тўғри, фанда яратилган бу янгилик билан ҳали сув танқислигига бутунлай барҳам бериб бўлмайди. Лекин тадқиқотчи-олимлар бу ишни янада такомиллаштириш йўлида илмий кузатишларини давом эттиришлари шак-шубҳасиз.

Санда ЙУЛДОШЕВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратда: (чапдан ўнгга) Янгийўл ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги 6-бригадаси звено бошлиғи Т. Азимжонов, иқтисодчи Т. Лутфиев, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олийгоҳининг олим ва тадқиқотчилари М. Азларова, М. Ҳафизов, Т. Мураказевлар ёш ниҳолларни кўздан кечиришмоқда.

Суратни Баҳодир АЪЗАМОВ олган.

● ЖИГАРИСТОН:

АВТОМОБИЛЧИЛАР МАДАДИ

Жигаристон қўрғонида юз берган табиий офат Ангрендаги 72-автокорхона ҳайдовчиларини ҳам бефарқ қолдирмади. Улар биринчилар қаторида жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишга отланишди.

— Воқеа содир бўлган куниёқ тегишли тадбирларни белгилаб олдик, — дейди автокорхона директори А. Собитов. — Дастлаб янги уй-жойларга кўчирилаётган оилаларнинг юкларини этиб беришни ташкил этдик. Кейинги кунларда эса жигаристонликлар учун қурилиш материаллари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 10 майдан бошлаб «КРАЗ—256—Б» маркали қудратли автомашиналарда қўрғон атрофини мустаҳкамлаш учун шағал-тупроқ ташишни ҳам йўлга қўйдик. Кунига 10—12 тадан юк автомашинаси ажратилмоқда. Ҳар бир ҳайдовчи бир кеча-кундузда ўртача 8—10 тоннадан юк ташияпти.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида автомобилчилар мадади анча самарали бўлди. Шу кунгача кўмак учун 155 та автомашина ажратилиб, улар билан қўрғонга ўн мингдаб тонна юк белгиланган манзилга этиб берилди. Айниқса, тажрибали шофёрлар беқиёс ёрдам кўрсатишди.

Уларнинг кўпчилиги хонадонлар юкларини янги биноларга кўчиришда фаол иштирок этишди. Й. Абдуназаров, М. Абдиев, И. Эшматов, А. Райимқулов ва Ю. Рисбоев сингари ҳайдовчилар графикдан ташқари 4—5 марта қатнаб, бир кеча-кундузда 10—12 тоннадан зиёд юк этиб беришди.

— Оқибатли одамлар бор бўлсин, — дейди шофёр Ш. Қуролов. — Жанубий Корея, Германиядан жигаристонликлар учун 2,5 тоннадан кўпроқ озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари жўнатилган экан. Куни кеча ушбу юкни Тошкентдан Ангренга келтириб, ўша жойнинг ўзида қўрғондаги шароити оғир кишиларга улашиб чиқдик.

Ҳозир автокорхона аҳли тўсатдан офат домида қолган жигаристонлик биродарларимиз учун транспорт соҳасида қандай хизмат бўлса, сидқидилдан бажаришга тайёр эканликларини изҳор қилишяпти. Зеро, улар эл бошига ташвиш тушганда бир тан-бир жон бўлиш, имконият даражасида ёрдам бериб, оғирни енгил қилишга интилиш халқимизнинг азалий удумларидан бири эканлигини амалда исбот қилмоқдалар.

А. БОЛИЕВ.

ВОҚЕА РЎЙ БЕРГАН ЖОЙЛАРДА

Тўрткўл раойнидаги Ильич номли, Димитров номли, «Совет Ўзбекистони» жамоа хўжаликлари, М. Горький номли, «Ленинизм» давлат хўжаликлари табиий офатдан қаттиқ зарар кўришди. 17870 гектар пахта майдони шикастланди. Район бўйича кўрилган зарар қариб 1 миллион сўмни ташкил этди. Бироқ район деҳқонлари тушкунликка тушганлари йўқ. Улар табиий офат оқибатларини иложи борича қисқа муддатларда тугатиш учун ҳаракат қилишаётир.

Суратларда: 1. «Намуна» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Уринбой Юсупов, район деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Ислом Каримов ва бригада бошлиғи Самандар Саидов эндиликда қилинадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар. 2. Ильич номли жамоа хўжалиги далаларида ёмғир сувини чиқариб ташлаш пайти.

Б. АЛИМОВ туширган суратлар.

● Олий таълим: ўзгаришлар даври

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАСИ—МУҲОКАМАДА

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

Бозор иқтисодиётига ўтиш олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ёшларни касбга йўналтириш масаласи бу соҳада етакчи ўринни тутиши табиийдир. Чиндан ҳам бугунги талаба эртага ўз касбининг пири. У айнан билимдон, тадбиркор, «етти ўлчаб, бир кесадиган» мутахассис бўлиши лозим.

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги билимгоҳида ўтказилган жумҳурият семинар-кенгаши иштирокчилари асосий эътиборни шу мақсадга қаратдилар. Кенгаш Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан билимгоҳ жамоалари ҳамкорлигида ўтказилди. Унда олий ўқув юртларининг ўқув ишлари бўйича ректор муовинлари, тайёрлов куллиётлари ва бўлимларининг деканлари, мудирлари, жумҳуриятнинг етакчи олимлари қатнашишди.

Ўзбекистон ССР халқ депутати, Тошкент халқ хўжалиги билимгоҳи ректори С. Ғуломов ўз нутқида амалий кенгаш кун тартибига қўйилган масалаларни айтиб ўтди. Жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи С. Ғуломиддинов «Жумҳуриятда олий ўқув юртига тайёрлаш тармоғининг аҳволи ва келажак равнақи» мавзуида маъруза қилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари алоҳида-алоҳида секцияларда иш олиб боришди. Маърузалар турли мавзуларга бағишланди. Унда Тошкент, Самарқанд Андижон шаҳарларидаги олий ўқув юртларининг мутахассислари касбга йўналтириш ҳамда ёшларни олий ўқув юртига тайёрлаш борасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Жумҳуриятимизда яхши анъана йўлга қўйилган: кўпчилик олий ўқув юртлари ўрта мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Ёш истеъдодлар мактаб партасидан билим савиясига қараб танлаб олинади. Сўнгра улар тайёрлов бўлимларидаги машғулотларга қатнайдилар. Тайёрлов бўлимларидаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқлар тилга олинди.

Якунловчи давра суҳбати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Олий ўқув юртларига тайёрлаш куллиёти ва тайёрлов бўлимлари фаолияти юзасидан якуний тавсиялар қабул қилинди.

Касбга йўналтириш масаласи бўйича шундай амалий кенгашлар ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Семинар-кенгаш иштирокчилари шундай хулосага келишди.

С. ИБРОҲИМОВ.

ШАҲРИСАБЗ АТЛАСИМИ?

КОРХОНА ЭНДИ ЎЗ ИПАГИДАН КЎПРОҚ ТАЙЕР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЎТИШИ КЕРАК. БУ — ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ.

Ҳонатласнинг харидори кўпайган сайин бу газлама танқис бўлиб бормоқда. Шунинг учун Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси ҳузурида атлас цехи иш бошлаганлиги ҳақидаги хушхабар кўпчиликни қувонтирди.

Чиндан ҳам эзгу ишга қўл урилди. Махсус бино ажратилиб, 10 та дастгоҳ ўрнатилди. Бу дастгоҳлар оддийгина, ҳунармандларнинг дўконидан унча фарқ қилмайди. Атлас хом ашёси эса шу ерда тайёрланади. Ҳозирча кунига 25—30 метр атрофида зарли атлас тўқиляпти.

Бу йил цех коллективи 2 миллион сўмлик атлас ишлаб чиқаришни мўлжаллаган. Марғилон корхонасида тажриба орттириб, ёшларга устозлик қилаётган Р. Жабборова, Ю. Турғунов каби тўқувчилар қўлидан чиқаётган матолар сержилолиги билан кишини мафтун этади. Унда Шаҳрисабзнинг бугунги чиройи акс этгандай.

Хайрли ишнинг бошланиши пиллакашларга ҳам, тўқувчи-ю, харидорларга ҳам манфаатли. Аммо...

— Ўзларингиз бир ўйлаб кўринг-а, — дейди корхона бош инженери Б. Солиев. — коллективимиз бир йилда 288 тонна ипак ишлаб чиқарса-ю, шунинг атиги бир тоннасинигина қайта ишлаш ҳуқуқига эга бўлсак? Шу ҳам адолатданми? Очиғи, жумҳурият Енгил саноат вазирлиги ёрдамига муҳтожмиз. Маҳсулотимиз турли корхоналарга бўлиб ташланган. Вазир ўринбосари С. Тўхтабоевнинг 1990 йил 21 декабрдаги ёзма кўрсатмасига биноан, Марғилон атлас корхонасига 230 тонна, аврли газламалар бирлашмасига 52 тонна хом ашё жўнатишимиз лозим. Рақамлардан кўриниб турибдики, ўзимизга ҳеч нарса қолмайди. «Бўзчи белбоққа ёлчимас», деб шунга айтишса керак-да! Ҳолбуки, корхонани янада кенгайтириш, бу ерда кўп миқдорда атлас ишлаб чиқариш имконияти бор. Фақат юқоридан розилик ва бироз маблағ бўлса бўлгани.

Бош инженернинг ташвишланганича бор. Фабрика ишлаб чиқарган хом ашёнинг бир қисмини ўзи қайта ишлаш газламалар бирлашмасига эди, кўпроқ иқтисодий фойда кўрар, Шаҳрисабз шароитида мавжуд бўлган ишсизликка барҳам берилларди.

Биз Қашқадарё вилояти партия қўмитаси котиби Н. Зайниев билан учрашиб, бу муаммо хусусидаги фикрини билмоқчи бўлдик:

— Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасида атлас цехининг очилганлиги қувончли ҳол, албатта. Аммо ўзи ишлаб чиқараётган хом ашёдан ўзи тўлиқ фойдалана олмаётгани бизни ҳам ачинтирмоқда. Қани энди корхона ўзи тайёрлаётган ипакларидан сержило атлас ишлаб чиқаришга ўтса, нур устига аъло нур бўлур эди. Афсуски, корхона хом ашё базасига айланиб қолган. Режа органлари фабрикага ўз маҳсулотини ўзи қайта ишлашга йўл бермаяпти. Агар ипак бу ерда қайта ишланганда, корхонанинг маҳсулот тайёрлаш ҳажми бир миллиард сўмга етарди.

Шаҳрисабз, Яккабоғ шаҳар ва районлари табиий иқлим шароити енгил саноат корхоналари қуриш ва уларнинг нормал ишлашига мос. Ип ишлаб чиқариш, тўқув ва тикув корхоналари бунёд этилиб, маҳсулотни шу ернинг ўзида харидорларга сотиш маҳаллий бюджетга катта фойда келтирибгина қолмай, халқ фаровонлигини таъминлаган бўларди.

Хўш, нега Қашқадарёда ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлайдиган корхоналар қуришнинг иложи йўқ? Нега халқ ҳунармандчилиги билан илгаридан машҳур Ульянов районидаги Касби қишлоғида маҳаллий саноат корхоналари қуриш мумкин эмас?

Албатта мумкин. Бу қишлоқ ўтмиш асрларда ҳам ўзининг кулолчилик буюмлари билан эл-юртга машҳур бўлган. Халқ ҳунармандлари номини ҳозирги замон кишилари ҳам фахр билан тилга оладилар. Аммо йиллар ўтиши билан эътиборсизлик оқибатида ечилиши зарур бўлган муаммолар муаммолигича қолиб келяпти. Шаҳрисабзда ҳозирги жараённинг тақозоси яъни майда корхоналар барпо этиш йўли билан хайрли ишнинг ибтидоси яратилди.

Атлас ишлаб чиқарадиган цех тўла қувват билан ишламоқда. Ҳадемай бошқа соҳаларда ҳам ўзимиз тайёрлаган хом ашёдан ўзимиз маҳсулот тайёрлаб магазин пештахталарига жўнатишдек эзгу ниятга эришамиз, деган умиддамиз, дейди котиб.

К. РИХСИЕВ,
М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ ХАТЛАРИДАН

ХОТИРА

ХЎЖАЛИК НОМИ ЎЗГАРДИ

Пастдарғом районидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг номи ўзгарди. Бундан буён мазкур хўжалик Қўчқор Тўраев номи билан юритиладиган бўлди.

Қўчқор Тўраев жамоа хўжалигини ташкил этишда фаол қатнашган, узоқ йиллар ҳамқишлоқлари билан елкама-елка туриб ғайрат кўрсатган ажойиб миришкорлардан эди. У кўп йиллар давомида машина-трактор станциясида масъул ходим бўлиб ишлади. Улуғ Ватан уруши йиллари район Совети ижроия комитетининг раиси бўлди. Унинг ҳамқишлоқларидан Санъат Худойқуловнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олишида, Қилич Эшмуродовнинг Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори бўлишида, қоларерса, Жума Норқулов, Рустам Нарзиқулов ва Аннақул Бобохоновларнинг пахта усталари бўлиб етишишида ҳам Қўчқор Тўраевнинг муносиб ҳиссаси бор. Унинг ўзи ҳам Ленин ордени билан тақдирланган.

Н. ЭШҚУВВАТОВ.

ГАЗЛАШТИРИШ

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ҚУВОНЧИ

Жумҳурият Президентининг қишлоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги Фармони жойларда муваффақиятли адо этилмоқда.

Фарғона вилояти, Охунбобоев районидаги Аминжон Ниёзов номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари хонадонларда «зангори олов» ёнганидан беҳад мамнун бўлишмоқда. Айни кунларда газлаштириш ишлари давом этмоқда. Савобли ишларни «Узбекгазмонтаж» бирлашмасининг 8-трестига қарашли 6-механизациялашган кўчма колоннасининг Шокиржон Эминов бошлиқ монтажчилари амалга оширмоқдалар, Улар йил охиригача 12 километрли газлаштириш юмушларини амалга оширишмоқчи.

Т. ТЕШАБОЕВ.

ҚУЛАЙЛИК

УЙ-БОҒЧАСИДА

Қамаши районида мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтиришга эътибор қилинмоқда.

Шу мақсадда М. Ғойипова ҳамда Р. Олейникова мудирлик қилаётган «Лола» ва «Бойчечак» боғчалари қошида иккита уй боғчаси ташкил этилди. Бу билан болаларни боғчага жойлаштирмоқчи бўлган 10 га яқин онанинг орзуси ушалди. Яқинда эса 90 ўринли янги боғча фойдаланишга топширилди. Бу билан райондаги барча боғчалар 9 тага етиб, уларда тарбияланаётган болалар сафи 1621 кишига кўпайди. Ота-оналар В. Бобониёзова, З. Бобоқулова, Б. Тоғаева, Ю. Мейлиева каби тарбиячилар хизматидан хурсанд.

Қ. ТОҒАЕВА.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

ТАКЛИФЛАРГА МУВОФИҚ

Каттақўрғон шаҳар ижроия қўмитаси кўча ва маҳаллаларнинг номларини талаб-истаклар асосида ўзгартиришга эътибор бермоқда.

Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб кўча ва маҳаллаларга тарихий номлар берилди. Чунончи, каттақўрғонлик инқилобчи, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари ва байналмилалчи жангчиларнинг номлари абадийлаштирилди. Шаҳардаги ёғмой комбинати ташкил топганига ҳам ярим асрдан ошди. Шу кунгача корхона В. Куйбишев номи билан аталиб келинарди. Энди корхонани ишчи-хизматчиларнинг таклифларига мувофиқ буюк аллома Мирзо Улуғбек номи билан аташга қарор қилинди.

А. ҲОШИМОВ.

БУ ҚИЗИҚ

ҚОШИҚЛАР, ҚОШИҚЛАР...

Самарқанд давлат дорилфунунининг биология куллиёти талабаси Моҳинбону Раҳматова турли қошиқларни тўпловчилардан экан.

Ҳозир у тўплаган миллий қошиқлар 80 тадан ошиб кетди. Улар орасида Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Испания, Олмония, Латвия, Белоруссия, Эстония, Болгария, Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларида фойдаланиладиган қошиқлар бор. Қошиқлар орасида ўзбек халқи кўпроқ ишлатувчи катта чўмич диққатга сазовордир. Боиси чўмич тутқичи учидаги илгак бошқа ёғоч буюмлардан фарқлашга имкон беради. Уста аждодларимиз чўмичнинг қозонга тушиб кетмаслиги йўлини топишган экан.

З. ШАМСИЕВ.

НАФОСАТ

АНВОЙИ ГУЛЛАР

Балиқчи районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида ўзига хос гўзаллик маскани вужудга келтирилди.

Хўжаликда 20 сотих жой ажратилиб, ажойиб гулзор барпо этилди. Бу ерда 18 мингтадан ортиқ чиннигул, гладиолус ва бошқа хил гул кўчатлари ўтқазилиб, парвариш қилинмоқда. Гулистонда етиштирилган гўзаллик рамзи билан район аҳолисинигина эмас, қўшни Олтинкўл, Москва ва Бўз районларидаги хўжаликларни ҳам таъминлаб туришга имкон бор.

М. КАРИМОВ.

ҲОДИСА

ЗИЙРАК БОЛА

Оқолтин районидаги 5-ўрта мактабнинг лаборанти Гулбаҳор Самандарова ишга шошилларди. У газ плитаси духовкасини ўчиришни унутди. Ичкарида эса тўрт ёшли ўғли Бахтинур ва уч яшар Моҳичеҳра ухлашарди.

Уларнинг оромини бузишни истамай, тез қайтиш ниятида она эшикни қулфлаб, йўлга тушди. Кўп ўтмай, ёнғин бошланди. Ҳаммаёқни қора тутун қоплади. Бахтинур уйғониб, ошхонада олов ёнаётганини кўрди. Югурганича синглисини уйғотди. Эшикка чиқмоқчи бўлди, лекин иложи йўқ эди. Ёнғин кучаярди. Болакай стул топиб дераза олдига келди. Синглисини унга чиқарди. Ойнакни очиб ўзини ташқарига отди. Кейин синглисини чақириб, сакрашга ундади. Сўнг йиғиаралаш дод солди. Қўни-қўшнилар йиғилди. Кўпчилик ёрдамида ўт ўчирилди. Район ўт ўчириш жамияти катталардек ҳаракат қилган Бахтинур жасоратини муносиб тақдирлади.

Р. МЕЛИБОЕВ.

● Рўзномамизга шу тарздаги қизиқарли хат-хабарлар йўллаётган муштарийлар ўзлари яшаб турган шаҳар-қишлоқларда амалга оширилаётган маданий-иқтисодий ва савобли ишлар ҳақида ёзиб туришипти. Чунончи, сариосиёлик М. Эрматова, оддий солдат Ф. Йўлдошев, ангренлик У. Жўраев, Самарқанд вилоятидан О. Олимов билан Р. Кўчимов, наманганлик С. Ҳамроқулов, Марғилондан А. Қутбиддинов, марҳаматлик Ҳ. Эшонқулов, Қамаши районидан С. Остонов, сурхондарёлик А. Абдурасулов, Сирдарёдан Т. Остонақулов, ғиждувонлик Т. Мақсудов, Қарағандадан Ш. Жандаева, бухоролик Ф. Жумаева ва бошқалар ҳам ўз хатларида турли воқеа ва ҳодисалардан ёзиб юборишган.

Қачон? Қаерда? Нима?

• Назм дафтаридан

ИЛТИЖО

Интилувчи, олмай асло тин,
Курашларда кўрсатган кучин,
Юраклардан сиғинмоқ учун
Бугун бизга худолар керак.

Дунё гўзал мақсад, тилакдан,
Узоқ бўлган шубҳадан, шакдан.
Йиғлаганда юрак-юракдан,
Инграб чиққан нидолар керак.

Қалби ёниб, тинчиб-тинмаган,
Ҳисларига ғубор қўнмаган,
Ҳайратлари ҳали сўнмаган,
Оламаро шайдолар керак.

Ғаниматдир одам-одамга,
Биров ботса ўйловга, ғамга,
Иккиланмай шошган ёрдамга
Ёнбошида пайдолар керак.

Фаровондир меҳрдан дунё,
Чароғондир меҳрдан дунё,
Бепоёндир меҳрдан дунё,
Сўнмас меҳригиёлар керак.

Олисларга қадаган кўзни,
Арзон гаров сотмаган сўзни,
Оғиздамас, амалда ўзни
Қиладирган фидолар керак.

РАСМИЯТЧИЛИК

Иш жойимиз нозикроқдир сал,
Эшигида туради миршаб,
Чиққанда ва кирганда ҳар гал,
Қўйворади ҳужжатга қараб.
Жойимизга боргунга қадар,
Минг сўроқлаб бағринг тиғлагай,
Ҳужжат эсдан чиқса, муқаррар
Ҳолимизга маймун йиғлагай.

Унутибман, дейсиз бўлиб хун,
Ёлворасиз, қўймас барибир.
Ишонмайсиз одамга нечун,
Танийсиз-ку, дегайсиз, ахир.
У бепарво пинагин бузмас,
Минг қилинг ҳам ҳолингиз баён,
Ҳужжатингиз бўлмаса-ми, бас,
Кимлигингиз мутлақ неаён.

Икки ёш қалб қовушган маҳал
Бир пайтлари ўқилган никоҳ,
Унга мангу қилинган амал,
Айб саналган қилмоқлик гуноҳ.
Ишқ бўлса-да бугун дилда жо,
Инки қалбга бир кулба — Ватан.

Ҳужжати гар бўлмаса, ҳатто,
Эр-хотинлик олинмагай тан.

Кўз ёради бир кун ёрингиз,
Падардирсиз қизга, ўғлонга.
Тўкиб солиб дўстга борингиз,
Сиғмагайсиз бу кенг жаҳонга.
Дерлар кўп ҳам солаверма жар,
Мангуликка ёзилмас отинг,
Қўлларингда бўлмаса агар,
Оталикка расмий ҳужжатинг.

Қургандирсиз бирор иморат,
Вақти келиб қилинар талаб,
Ҳар бир ғиштга, фурсат ғаниматт,
Қўйинг албат ҳужжат тўғрилаб.
Гоҳ тасодиф, борни, бисотни,
Дейлик, ўғри кетди ўмариб.
Ҳеч бир кимса тингламас «дод»ни,
Арз қилсангиз ҳужжатсиз бориб.

Нохуш хабар келса-да, лекин,
Шубҳа дилни ўртагай бир оз.
Ишонмаймиз ўлганга ҳам чин,
Бўлмаса гар расмий бир қоғоз...
Ҳар сония ўз ғамимни еб,
Ҳужжат тўплаб кўнгил хушлайман.
Бу қандайин «йиллар» бўлди деб,
Ҳайрон қолиб ёқа ушлайман.

Исмоил ТУХТАМИШЕВ.

БУ ҚЎЛЛАР...

Бу қўллар ушлаган гул ҳам, чўкич ҳам,
Кетмонга ҳам кўрсатар ҳиммат.
Баригa дош берган, сақлаган чидай,
Аммо ҳеч қачон қилмаган миннат.

Қора терга тушиб қора заҳмидай,
Кон ҳам қазийди у, янгиликмас, рост,
Меҳнат жабҳасида Темур жангидай
Шуҳрат қозонса-да, солмаган чуввос.

Арра ҳам солган у, ёғоч ортган у,
Эҳ-ҳе, санай берсам саноғи бисёр.
Ернинг киндигини ушлаб тортган у,
Оҳ чекиб юборган курра бемадор.

Ўшшайган тоғу-тош, ҳудудсиз само,
Баригa етади қўли Инсоннинг.
Қаранг, чеккасига гул тақиб саҳро,
Кўзига суртади қўлин қувониб...

Фақат қадоқ қўллар қалам тутган дам,
Секин қалтирашин илғаб қоламан.
Ўх-ҳў, ҳар нарсадан оғир деб-қалам,
Қоғоз қаршисида ўйга толаман.

Чингиз ДОЛИМОВ,
ишчи.



Тошкент. Ўзбекистон халқ амалий санъати музейида савдо-сотиқ кўргазмаси очилди. Бу ерда асосан сополсоз Акбар Раҳимов, миниатюра расмлар устаси Алишер Йўлдошев ва заргар Фасихиддин Дадамуҳамедов ишлаган буюмлар қўйилган.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) миниатюрачи рассом Алишер Йўлдошев, сополсоз Акбар Раҳимов ва заргар Фасихиддин Дадамуҳамедовлар.

Суратқаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ. (ЎзТАГ).

СПОРТ

Велопойга:

КУЧЛИЛАР САФИДА

● ПРОФЕССИОНАЛ пойгачилардан иборат жамоалар ташкил топаётгани сир эмас. Велосипед пойгасини ўзига касб деб билган спортчилар бир жамоага бирлашиб, астойдил курашиш йўлида изланмоқдалар. Италия йўллари бўйлаб ўтказиладиган навбатдаги мусобақада ана шундай пойгачилар иштирок этишади. 74-марта ўтказилаётган мусобақада 180 нафар пойгачининг қатнашиши кўзда тутилмоқда. Мухлислар тошкентлик таниқли пойгачи Жамолиддин Абдужабборовни яхши билишади. У ҳозир «Карьера» жамоасининг аъзоси ҳисобланади. Жамолиддин ҳам пойгада қатнашишга шайланиб турибди.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

«Тошкент» сейсмик станцияси хабар беради: 23 май куни маҳаллий вақт билан соат 15.03 минут ўтганда станция асбоблари ер қимирлаганлигини қайд этди. Зилзила ўчоғи Тошкентнинг жанубий-ғарбий томонида—Назарбек қишлоғидадир. Ер силкиниши Тошкент шаҳрида 3—4 балл куч билан қайд этилди.

Зилзила марказида силкиниш 4—5 балла етди.

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

Жумҳуриятимиз тўнғич маърифат даргоҳларидан бўлмиш Самарқанд педагогика билим юрти 1919 йилнинг майида ташкил топган. Суронли ўша йилларда моддий етишмовчиликлар муаллим кадрлар, тарбиячи ва ўқувчилар учун шарт-шароит талаб даражасида эмас эди. Билим масканини оёққа турғазишда самарқандлик етакчи маърифатпарвар муаллим Исматулла Раҳматуллаевнинг (1883—1962 йиллар) хизматлари беқиёс катта бўлди. Маърифат даргоҳида шоир Фахриддин Рожий, Тўрақул Зеҳний, Набирахўжа Валихўжаев, машҳур археолог В. Л. Вяткин, Г. И. Леменовский, Е. И. Миролюбова, Х. Ходизода, Ш. Турсунов сингари истеъдодли устозлар ёшларга таълим-тарбия берган эдилар. Педагоглар кўмагида Туркистон ўлкаси маҳаллий миллат хотин-қизларини илм олишга жалб қилиш ишлари амалга оширилди.

Билим юрти неча юзлаб ёшларга қора зулмат чодирини ёриб чиқиб, нурафшон ҳаётга тийрак кўз билан қарашга, илмдан баҳраманд бўлишига катта йўл очиб берди. Самарқанддаги бу илм даргоҳи ўзининг фахрли, ҳозирги кунда кўплаб халқ таълими, фанда, тиббиётда янгиликлар яратган собиқ талабалари билан ҳақли равишда фахрланади. Улар орасида Воҳид Абдуллаев, Хариф Ражабов, Аловиддин Баҳовиддинов, Азиз Юсупов, Расулхон Ходизода, Надимхон Бехбудий, Ҳамид Олимжон, Шукур Саъдулло, Фотех Ниёзий, Музайяна Алавия, Ғани Абдулло, Ҳабиб Юсуфий Барот Бойқобилов сингари эл-юрт ардоғидаги иқтидорли, халқ иззат-ҳурматига мушарраф бўлган инсонлар жуда кўп.

Билим юртининг бугунги истиқболи янада порлоқ. Ҳозир бу даргоҳда икки мутахассислик бўйича 800 нафарга яқин ўғил-қиз таълим олмоқда. Улар турли миллат фарзандларидир. Ўқишлар ўзбек, тожик ва рус тилларида олиб борилади. Талабалар жисмонан, маънавий камолотга эришган кадрлар бўлиши учун етарли шарт-шароитлар муҳайё. Айни пайтда билим юртида 80 нафарга яқин тажрибали устоз ёшларга ғамхўрлик кўрсатмоқда. Талабалар У. Ҳайдаров, А. Йўлдошев, М. Юсупова, Д. Сиротин, З. Салтиков, Р. Қодиров каби устозларнинг машғулотларини тинглайдилар ҳамда фанлардан фақат аълога ўқишга интиладилар.

Билим юртининг бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш бўлимида машғулотлар замонавий техника воситалари, кўргазмали қуроллар асосида олиб борилади. Бу ерда мактаб ислоҳоти талабларига мувофиқ таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилянти. Билим юртининг методик-қўлланмалар кабинети педагогик тажрибаларни, ўқитувчиларнинг ижодий ишларини оммалаштириш марказига айланган.

Билим юрти қошида халқ театри иш олиб бораётир. Театр саҳнасидан «Гулсара», «Нурхон», «Абдулла Набиев» сингари қизиқарли, талабалар дидига мос спектакллар саҳналаштирилди. Театр жамоаси вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Зотан, Самарқанд педагогика билим юрти ўзининг шонли тарихий йўлини босиб ўтди. Жамоа ўтган 70 йиллик даврда бу қутлуг даргоҳда қанчадан қанча жамиятнинг фаол аъзоларини тарбиялаб берди.

Э. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ССР халқ таълими аълочиси.

СЎЛИМ БОҒ

● Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи йирик истироҳат масканларидан ҳисобланади. Андижондаги бу боғ бундан 60 йил аввал барпо этилган эди.

Алишер Навоийнинг 550 йиллик таваллудини нишонлаш арафасида боққа унинг номи берилган. Қарийб 20 гектарли боғда бўш вақтни хушнудлик билан ўтказиш, маданий дам олиш учун барча шароитлар етарли. Боққа кираверишда буюк аллома шоирнинг салобатли ҳайкали кўзга ташланади. Сўлим масканга ўз меҳрини берган гулчи-боғбон Рўзибой ота Исмоилов бугунги кунда 75 баҳорни қаршилаб турибди. У биринчи боғбонлардан саналади.

Истироҳат боғининг мавсумий очилиши ҳам ўзига хос сайлга айланди. Кўм-кўк довдарахтлар ва гулларга бурканган бу масканда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари намунали йўлга қўйилган. Истироҳат боғи маъмурияти олти ойлик дастур бўйича ташкилий-тадбирий ишларни амалга оширмоқда. Дам олувчиларнинг кўнгил ёзишлари учун кўпгина қизиқарли ва мазмунли режалар тузиб қўйилган.

Н. ИНОҚОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: 1-болалар касалликлари пропедевтикаси, чет тиллар;

доцентлар: гистология, марксча-ленинча фалсафа (2), топографик анатомия билан оператив жарроҳлик, сиёсий тарих ва иқтисод (сиёсий тарих курси бўйича), нормал анатомия, болалар ва ўсмирларнинг умумий гигиенаси, ҳарбий гигиена;

катта ўқитувчилар: сиёсий тарих ва иқтисод (сиёсий иқтисод курси бўйича —2), патологик анатомия, рус тили, биологик кимё (2);

ассистентлар: 1-болалар жарроҳлиги (болалар травматологияси ва ортопедияси курси бўйича), 2-ички касалликлар, гистология, биологик кимё;

ўқитувчилар: тиббий ва биологик физика, илмий социализм назарияси.

Танлов муддати — 30 майгача.

Манзилимиз: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (19, 156, 165-автобусларнинг «Тошкент педиатрия тиббиёт олий билимгоҳи» бекати).

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: ўзбек тили, умумий тилшунослик, сиртқи факультетда инглиз тили, кечки факультетда инглиз тили (филология фанлари докторлари ёки номзодлари), чет тилларни ўқитиш услубиёти (педагогика фанлари доктори, профессор), тиббий тайёргарлик (олий тиббий) шифокорлик (маълумотига ва олий ўқув юртида ишлаш тажрибасига эга бўлган катта ўқитувчи), жисмоний тарбия (фан номзоди);

доцентлар: чет тилларни ўқитиш услубиёти (немис тили, услубиёт бўйича маърузалар курсини ўқиш учун), сиртқи факультетда инглиз тили (филология фанлари номзоди, доцент);

катта ўқитувчилар: испан тили, инглиз тили лексикологияси, инглиз тили стилистикаси;

ўқитувчилар: инглиз тили фонетикаси ва фонологияси (2 — шу жумладан, битта филология фанлари номзоди), инглиз тили стилистикаси (филология фанлари номзоди), инглиз тили лексикологияси, француз тили лексикаси ва стилистикаси, махсус курсларда чет тиллар (инглиз тили), француз ва немис тили факультетларида рус тили ва адабиёти, педагогика ва психология (ўзбек тилида педагогика бўйича маърузалар ўқиш учун), тиббий тайёргарлик (3 — олий тиббий (шифокорлик) маълумотига эга бўлган), ўзбек тили (7 — шу жумладан 4 та филология фанлари номзоди), инглиз тили факультетида рус тили ва адабиёти (2), қуйи курсларда инглиз тили лексикаси (2), француз тили фонетикаси, кечки ва сиртқи факультетларда немис тили.

Танлов муддати — 30 майгача.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ КАТТА ТЕАТРИ ҚОШИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ
1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти опера ва балет театрлари учун балет артистларини, мусиқали комедия театри, халқ рақс ансамбллари, эстрада учун артистларни тайёрлайди.

Хореография билим юртига касбий иқтидор ва салоҳиятга эга бўлган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади;

«балет артисти» бўлимига (ўқиш муддати — 8 йил) — ўқишга кираётган йилда ўрта мактабнинг 3-синфини битираётган 9—11 ёшли болалар;

«ансамбль артисти» бўлимига (ўқиш муддати — 5 йил) ўқишга кираётган йилда ўрта мактабнинг 6-синфини битираётган 12-14 ёшли болалар (таълим ўзбек тилида).

Хореография билим юртига қабул қилиш тўғрисида боланинг ота-онаси томонидан ёзилган ариза 31 майгача хореография билим юртининг директори номига берилади.

Ҳужжатлар III даврадан ўтгандан кейин топширилади.

Хореография билим юртига ўқувчилар қабул қилиш 1 июндан 15 июнгача — уч даврада ўтказилади.

I давра ташқи саҳна хусусиятлари (юз қиёфаси, қаддиқомати, гавда тузилиши ва ҳоказолар)ни аниқлаш ва касбий хусусиятлари (айланиши, кўтарилиши, қадам ташлаши, сакраши, эгилувчанлиги)ни текшириб кўриш.

II давра — тиббий текширув (скелети ва мускулларининг тузилиши, асаб системаси, юрак, ўпка, вестибуляр аппарат, кўриш органларининг аҳволига алоҳида эътибор берилади).

III давра — болаларни бадиий ҳайъат кўригидан ўтказиш (рақсга мойиллиги, мусиқани тинглай билиши, ритмни ҳис қилиш, ифодалилик аниқланади).

Ҳар бир навбатдаги даврага аввалги даврадан муваффақият билан ўтган болаларгина қўйилади. Кўрик натижалари асосида қабул ҳайъати хореография билим юртига қабул қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Ўқувчилар сафига қабул қилиш директорнинг буйруғи билан амалга оширилади. «Балет артисти» бўлимининг ўқувчилари таълимнинг 6-йилидан бошлаб, «ансамбль артисти» бўлим ўқувчилари эса 3-йилдан бошлаб стипендия оладилар.

Интернат бор.

Қабул ҳайъати — 1июндан 15 июнгача ишлайди.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31-уй.

Телефонлар: 56-24-36, 56-33-27.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: болалар адабиёти ва кутубхонада болалар билан ишлаш (фан доктори, профессор); рус ва чет эл адабиёти (фан доктори); бошқарув ва Маданият иқтисоди (фан кандидати, доцент);

доцентлар: кутубхона фонди ва каталоглари: сиёсий тарих; жисмоний тарбия;

катта ўқитувчилар: библиография: ҳаваскорлик хор коллективи раҳбари (2); рус тили, жисмоний тарбия (3);

ўқитувчи: рус тили.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилгоҳимиз: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольт даҳаси, 3-сектор, 127 «А»-уй. Телефонлар: 62-04-64, 62-03-23.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41 51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5381.

№ 98. ● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12